# VII. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 3710 тани ташкил қилди.

2020 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 69,0 фоизи (2019 йил январь-сентябрда 68,2 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2020 йил январь-сентябрда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

-саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2992,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 30,7 фоизи) ёки 2019 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 101,2 фоизни ташкил қилди;

-17362,8 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 103,4 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи махсулотининг 99,5 фоизи) ташкил қилди.

-2248,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 15,6 фоизи) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 94,4 фоизни ташкил қилди;

3223,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 87,5 фоизи) бажарилди ва 2019 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 106,9 фоизни ташкил қилди;

-автомобил транспорти юк айланмасининг 100,4 фоизга (умумий юк айланмасига нисбатан 90,4 улуши), йўловчи айланмасининг эса 95,0 фоизга (умумий йўловчи айланмасига нисбатан 97,9 улуши) тенг бўлди;

-чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 93,3 фоизи ёки 8 452,8 млрд. сўм (6,7 фоизга камайиш кузатилди) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 68,1 улуши ёки 1543,9 млрд. сўмни ташкил қилди;

-68,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 40,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди.

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*2020 йил январь-сентябрь ойларида (жамига нисбатан фоизда)*



## 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича

| | *Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм* | *Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида* |
|---|---|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 17362,8 | 60,9 |
| Саноат | 2992,8 | 66,9 |
| Қурилиш | 3223,3 | 87,5 |
| Чакана савдо | 8452,8 | 93,3 |
| Хизматлар | 5086,1 | 70,3 |
| Экспорт, *млн. АҚШ долл.* | 68,8 | 40,8 |
| Импорт, *млн. АҚШ долл.* | 82,3 | 36,6 |

**Ялпи худудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:**




*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*

ЯҲМ | Саноат | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | Асосий капиталга киритилган инвестициялар | Қурилиш | Савдо

**2019 йил январь-сентябрь** **2020 йил январь-сентябрь**

**Январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари**

| | *Ўлчов бирлиги* | *2019 йил* | *2020 йил* | *(+-)* |
|---|---|---|---|---|
| **Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони** | *бирлик* | **19769** | **23362** | **3593** |
| **Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар** | *бирлик* | **4198** | **3710** | **-488** |
| ЯҲМ | % | 68,2 | 69,0 | 0,8 |
| Саноат | % | 22,1 | 30,7 | 8,6 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | % | 99,0 | 99,5 | 0,5 |
| Инвестиция | % | 14,2 | 15,6 | 1,4 |
| Қурилиш | % | 83,2 | 87,5 | 4,3 |
| Савдо | % | 97,4 | 93,3 | -4,1 |
| Хизматлар | % | 70,1 | 70,3 | 0,2 |
| Юк ташиш | % | 84,7 | 88,5 | 3,8 |
| Юк айланмаси | % | 85,3 | 90,4 | 5,1 |
| Йўловчи ташиш | % | 94,4 | 97,4 | 3,0 |
| Йўловчи айланмаси | % | 96,0 | 97,9 | 1,9 |
| Экспорт | % | 35,6 | 40,8 | 5,2 |
| Импорт | % | 58,3 | 36,6 | -21,2 |

**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг улуши тузилиши**




**Январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улуши, фоизда**

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 69,0 фоизни ташкил қилди (2019 йилнинг январь-сентябрида 68,2 фоиз). ЯҲМ таркибида кўпайиши йирик корхоналар улуши тушиши билан тушунтирилади.

**2020 йил январь-сентябрь**



**Кичик тадбиркорликнинг асосий иктисодий кўрсаткичлардаги улуши (*умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда*)**

Ҳудудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Қарши шаҳри (885,8 млрд. сўм), Қамаши тумани (258,5 млрд. сўм), Яккабоғ тумани (238,5 млрд. сўм), Китоб тумани (220,4 млрд. сўм) ва Шаҳрисабз тумани (216,5 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади. Деҳқонобод тумани (45,8 млрд. сўм), Муборак тумани (65,5 млрд. сўм) ва Нишон тумани (75,8 млрд. сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2020 йил январь-сентябрда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати**




Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнининг жами саноат маҳсулотидаги энг юқори улуши Қамаши (100,0 фоиз), Китоб (95,5 фоиз), Чироқчи (86,2 фоиз), Шаҳрисабз шаҳри (81,7 фоиз), Яккабоғ (73,0 фоиз) ва Миришкор (63,7 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга Нишон (3,7 фоиз), Ғузор (4,5 фоиз), Деҳқонобод (12,0 фоиз), Муборак (14,7 фоиз) ва Касби (27,9 фоиз) туманларида кичик тадбиркорликнинг улуши пастлиги кузатилди.

**2020 йил январь-сентябрь ҳолатига жами саноат маҳсулотидаги кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, фоиз**




Ҳудудлар бўйича кўпроқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми Чироқчи (2028,4 млрд. сўм), Китоб (1623,7 млрд. сўм), Косон (1578,6 млрд. сўм), Яккабоғ (1552,4 млрд. сўм) ва Қамаши (1552,2 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Шаҳрисабз (90,6 млрд. сўм) ва Қарши (151,9 млрд. сўм) шаҳарларида ва Деҳқонобод (736,3 млрд. сўм) туманларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2020 йил январь-сентябрда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳажми ва ўсиш суръати**



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Қарши шаҳри (1 472,2 млрд. сўм), Шаҳрисабз шаҳри (858,2 млрд. сўм ), Китоб (797,7 млрд. сўм), Косон (766,7 млрд. сўм) ва Чироқчи (736,8 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Муборак (197,1 млрд. сўм), Миришкор (234,2 млрд. сўм) ва Касби (269,1 млрд. сўм) туманларида чакана товар айланмаси ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2020 йил январь-сентябрда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати**




Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Қарши шаҳри (1720,9 млрд. сўм), Косон (389,4 млрд. сўм), Китоб (342,9 млрд. сўм), Чироқчи (317,4 млрд. сўм), Яккабоғ (288,2 млрд. сўм), Қарши (272,9 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**2020 йил январь-сентябрда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар ҳажми ва ўсиш суръати**



**2020 йил январь-сентябрда кичик тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқлардаги ҳудудлар бўйича улуши, фоизда**

| | *Саноат* | *Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги* | *Инвестиция* | *Қурилиш* | *Чакана савдо* | *Хизматлар* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Қашқадарё вилояти** | **30,7** | **99,5** | **15,6** | **87,5** | **93,3** | **70,3** |
| Қарши ш. | 47,8 | 98,4 | 18,6 | 81,2 | 76,5 | 48,1 |
| Шаҳрисабз ш. | 81,7 | 99,2 | 74,6 | 68,9 | 99,8 | 83,9 |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Ғузор | 4,5 | 99,0 | 4,7 | 76,6 | 98,3 | 86,3 |
| Деҳқонобод | 12,0 | 98,9 | 59,6 | 100,0 | 98,6 | 89,8 |
| Қамаши | 100,0 | 99,5 | 73,3 | 99,2 | 98,4 | 97,3 |
| Қарши | 38,1 | 99,7 | 40,9 | 100,0 | 97,6 | 96,2 |
| Косон | 42,6 | 99,8 | 80,5 | 77,5 | 99,3 | 97,0 |
| Китоб | 95,5 | 99,1 | 59,3 | 98,8 | 95,9 | 96,0 |
| Миришкор | 63,7 | 99,6 | 53,7 | 100,0 | 98,7 | 94,2 |
| Муборак | 14,7 | 98,8 | 4,1 | 78,9 | 95,9 | 64,0 |
| Нишон | 3,7 | 99,7 | 1,2 | 99,9 | 98,7 | 92,6 |
| Касби | 27,9 | 99,7 | 37,0 | 94,3 | 98,2 | 97,1 |
| Чироқчи | 86,2 | 99,8 | 81,2 | 100,0 | 97,4 | 99,0 |
| Шаҳрисабз | 51,9 | 99,7 | 51,8 | 100,0 | 94,6 | 93,2 |
| Яккабоғ | 73,0 | 99,2 | 81,9 | 99,6 | 97,8 | 95,8 |

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Қамаши (100,0 фоиз), Китоб (95,5 фоиз), Чироқчи (86,2 фоиз), Шаҳрисабз шаҳар (81,7 фоиз), Яккабоғ (73,0 фоиз) ва Миришкор (63,7 фоиз) туманларида кузатилди.

Инвестицияда энг юқори улушларни Яккабоғ (81,9 фоиз), Чироқчи (81,2 фоиз), Косон (80,5 фоиз) туманлари ва Шаҳрисабз шаҳри (74,6 фоиз) да кузатилди.

Қурилиш соҳасида Деҳқонобод, Қарши, Миришкор, Чироқчи, Шаҳрисабз туманларида мос равишда (100,0 фоиз), Нишон (99,9 фоиз), Яккабоғ (99,6 фоиз), Қамаши (99,2 фоиз) туманларида кузатилди.

Чакана савдода Шаҳрисабз шаҳри (99,8 фоиз), Косон (99,3 фоиз), Нишон (98,7 фоиз), Миришкор (98,7 фоиз) туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасида Чироқчи (99,0 фоиз), Қамаши (97,3 фоиз), Касби (97,1 фоиз) ва Косон (97,0 фоиз) туманларини ташкил этади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2020 йил 3-чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Қурилиш соҳасида респондентларнинг 87,5 фоиз қониқарли деб ҳисоблашини, савдо соҳасида – 42,5 фоиз қулай ва 30,0 фоиз қониқарли, мос равишда хизматлар соҳасида – 26,7 фоиз ва 66,7 фоиз, саноатда – 47,2 фоиз ва 43,3 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 66,7 фоиз қониқарли ташкил қилганини кўрсатди.

Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда– 15,8 фоиз, қурилишда – 12,5 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 33,3 фоиз, хизматларда – 6,7 фоиз ва савдода – 27,5 фоизни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни баҳолаш**
**2020 йил III-чорак учун, фоизда**



**Иқтисодий вазият яқин уч ойда** қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яхшиланиш 83,3 фоиз, ўзгаришсиз 12,5 фоиз, саноат корхоналари яхшиланиши 94,7 фоиз, ўзгаришсиз 5,3 фоизи, савдо – яхшиланиш 82,5 фоиз, ўзгаришсиз 12,5 фоиз, хизматларда яхшиланиш 93,3 фоиз, ўзгаришсиз 6,7 фоиз ва қурилиш тармоғида яхшиланиш 100,0 фоиз кутилмоқда.

**Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда**




Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.